# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 6 май, № 88 (6523) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мустаҳкамланишида Ўзбекистон ташаббуслари ва уларнинг аҳамияти

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи мамлакатларидан бири сифатида Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлган бошқа давлатлар қаторида ШҲТ ривожланишининг стратегиясини белгилайди. Бу йўналишда ташкилот иш бошлаган 2001 йилдан эътиборан айнан мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари билан унинг фаолиятини такомиллаштириш, ташкилот иштирокчилари, шунингдек, бошқа умумбашарий ва минтақавий институтлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мустаҳкамлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон, ШҲТ Хартиясида белгилаб қўйилганидек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш, ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ҳамда халқаро нуфузини юксалтиришга йўналтирилган мақсадлар, вазифа ва тамойилларга қатъий риоя этилишининг тарафдоридир. Блок бўлиш ёки қарама-қарши туриш йўналишидан холи ушбу тизимнинг очиқлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ШҲТга биринчи маротаба раислик қилган даврда (2003-2004 йиллари; мамлакатимиз бу бирлашмани иккинчи маротаба 2009-2010 йилларда бошқарган) ташкилотнинг институционал шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим ҳужжатлар: ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом ва ШҲТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби имзоланди. Натижада 2004 йили Мўғулистон, 2005 йили эса Ҳиндистон, Покистон ҳамда Эрон кузатувчи мамлакат мақомини олди. Бундан ташқари, Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши ҳам диққатга молик воқеа бўлдики, у гиёҳвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди.

Шу билан бирга, 2004 йилнинг январидан бошлаб Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) фаолият кўрсата бошлади. Доимий асосда иш олиб борадиган ушбу орган ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматларининг радикал, тажовузкор экстремизм ҳамда айирмачиликка, уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва амалий ҳамкорлиги учун самарали восита бўлиб қолди.

Қайд этиш ўринлики, жорий йил 8 апрелида пойтахтимизда бўлиб ўтган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги 28-мажлиси чоғида ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# Ватан равнақи – улуғвор мақсад

Наманган вилоятида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бошланди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур анжуман доирасида шаҳар ва туманлар марказлари, таълим муассасаларида турли маънавий-маърифий, бадиий дастурлар ўтказиш режалаштирилган.

Навқирон авлодни мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳамда шукроналик туйғусини шакллантириш, ёшларни “оммавий маданият” таъсирларидан асраш, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш каби мақсадлар кўзда тутилган фестиваль ўн саккизта лойиҳани қамраб олган. Жумладан, жойларда “Юртимни обод этаман”, “Ватаним — менинг фахрим”, “Марра бизники!” сингари тадбирлар уюштирилмоқда.

Масалан, “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам!” кўргазмаси орқали иштирокчилар ёш тадбиркорлар, ҳунармандларнинг ижодий изланишлари, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан яқиндан танишадилар. Турли мусобақалар совриндорлари бўлган спортсевар йигит-қизларнинг кўргазмали чиқишлари баркамол авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида яратилган имкониятлар кўригига айланаяпти.

(Давоми 3-бетда).

ТАҲЛИЛ

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари эълон қилинди. Ушбу расмий ҳужжатда қайд этилишича, ўтган уч ой мобайнида 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсган бўлса, қурилиш-пудрат ишлари 19,4 фоиз кўпайди.

# Барқарор тараққиётнинг яна бир тасдиғи

Бу, аввало, глобал иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар ҳамон давом этаётган бир шароитда Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар самарасидир. Шу билан бирга, жорий йилнинг дастлабки чорагида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ҳамда макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаган юқори фоиз кўрсаткичлари замирида бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассам, десак, асло муболаға бўлмайди.

Мисол учун, саноат соҳасини олиб кўрайлик. Мазкур йўналишда 2016 йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 76,4 миллион АҚШ долларилик 12 та йирик ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Хусусан, “Мейлисой кони қурилиши” ва “Жиззах пластмасса” акциядорлик жамиятларида полиэтилен плёнка ҳамда қувурлар, “Ангрен” махсус индустриал зонасида чарм-галантерея, “Жиззах” махсус индустриал зонасида шиша толасидан иссиқлик изоляция буюмлари, кенг турдаги электр қурилиш ҳамда электротехника маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилгани ана шулар сирасига киради.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш туфайли 632 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари (228 объект), қурилиш материаллари (215), тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари (91), мебель маҳсулотлари (45), кимё ва пластмасса маҳсулотлари (26), машина ва ускуналар (18), фармацевтика воситалари (9) ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди.

Айни чоғда таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш ва саноат тармоқларини диверсификация қилиш натижасида кимё маҳсулотлари ҳамда пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш суръати, озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак, чарм ҳамда фармацевтика маҳсулотлари, препаратлар тайёрлаш ҳажми ошди.

(Давоми 2-бетда).

# КИЧИК БИЗНЕС САЛОҲИЯТИ

## иқтисодиётимиз ривожида муҳим омил бўлмоқда




Хусусан, Хоразм вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли 351 янги тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61 фоиздан ошди. Бунда, шунингдек, тижорат банклари томонидан 140 миллиард 405 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар

МОДЕРНИЗАЦИЯ

кўп кредит йўналтирилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бундай эътибор самарасини Урганч туманидаги “Йўлдош таноб-чи” хусусий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, 2005 йилнинг июль ойида икки нафар ишчи билан фаолият бошлаган мазкур корхона жамоаси сони эндиликда 25 нафарга етган бўлса, улар томонидан бошқарилаётган замонавий дастгоҳларда 3 миллиметрдан 19 миллиметргача қалинликдаги ойналарга ишлов берилаяпти. Бундан ташқари, бу ерда уй ва офислар учун рангли ойналар, пластик ҳамда алюминий ромлар учун деклопакет ойналар, аквариумлар ва кенг турдаги хўжалик, уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Энергетика қурилмалари

**Жиззах**

Жиззах шаҳридаги “Электро элант файз” масъулияти чекланган жамияти томонидан трансформатор ҳамда электр шчитлари ишлаб чиқаришга доир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 700 миллион сўм йўналтирилди.

— Йилига 1,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга корхонамиз фаолиятини йўлга қўйиш учун банкнинг 400 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландик, — дейди МЧЖ раҳбари Тўйчи Мамаюсупов. — Айни пайтда замонавий технологиялар ёрдамида 25 киловаттдан 400 киловаттгача бўлган кучланишли трансформаторлар ва уларга мос электр шчитлари ишлаб чиқараяпмиз. Ўтган қисқа муддатда 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотларимизни буюртмачиларга етказиб бердик.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида саноат соҳасида шу сингари 30 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

### Саноат корхоналари учун бутловчи қисмлар

**Наманган**

“Тўрақўрғон ферросплав” масъулияти чекланган жамиятида иккиламчи хом ашёдан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникалари учун мингдан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ясалмоқда. Яқинда бу ерда янги маҳсулот тури — цемент ишлаб чиқариш корхоналарига мўлжалланган эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Қисқа вақт ичида қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидаги буюртмачиларга 50 миллион сўмликка яқин дастлабки қуйма деталлар етказиб берилди.

— Бундай имконият корхонамизда амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида юзага келди, — дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Баҳодир Мирзажонов. — Лойиҳа ижроси учун қарийб 100 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилиб, хориждан технологик ускуналар келтириб, ўрнатилди. Айни жараёнда фойдаланишга топширилган механика цехида қуюв цехидан чиққан металлга қўшимча ишлов берилиб, маҳсулот тайёр ҳолга келтирилмоқда.

Бундай янгиланишлар натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати эллик фоиз ошди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Электрон савдо афзаллиги

**Сирдарё**

Гулистон шаҳридаги “Нилуфар гул тароваті” масъулияти чекланган жамияти “Ўзэкспомарказ”нинг давлат харидлари электрон савдосида мунтазам иштирок этади. Бу эса корхона мебелларига нафақат вилоят, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан харидорлар топишда асқатмоқда.

Бинобарин, ҳозир жамият томонидан 25 турдаги идора ва ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерга юқори технологиялар ўрнатилгани ҳар бир маҳсулотнинг замонавий дизайн ҳамда қулайликларга эга бўлишини таъминлаётир. Масалан, ошхона мебелларининг ғаладонлари қўл тегизилгани заҳоти очилиб-ёпилади. Биргина мана шу жиҳат ҳам харидорларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

— Ўзим олий маълумотли иқтисодчиман, — дейди жамият раҳбари Дилшод Тожибоев. — Университетда олган билимларим ишлаб чиқаришда қўл келмоқда. Қолаверса, жамоамизнинг барча аъзоси ёшлардан иборат. Уларнинг барчаси изланувчан ва янгиликка интилувчан. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежининг икки нафар битирувчиси ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётир. Келгусида бу мутахассислар ҳам жамоамиз сафига қўшилади. Шунингдек, жорий йилда мебель тайёрлаш цехимизни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — март ойларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми

**6,7**

**фоиз ўсди.**



*Фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, янги йўналишларни ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит яратилгани, қишлоқ хўжалиги тармоқларига илғор технологияларни жорий қилиш, айниқса, замонавий иссиқхоналар бунёд этиш ишлари жадаллаштирилгани соҳада маҳсулот етиштириш ҳажмини ана шу даражада кўпайтириш имконини берди.*

# Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мустаҳкамланишида Ўзбекистон ташаббуслари ва уларнинг аҳамияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2004 йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг учрашуви институти тузилди. У ШҲТ доирасида хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлаштирувчи-маслаҳат механизми ҳисобланади. Ўша йилнинг июнидаёқ Тошкентда бу институтнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Ўшандан буён ушбу учрашув ҳар йили ўтказилади ва у хавфсизлик соҳасидаги вазиятни пойдеворни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг халқаро нуфузини ошириш ва унинг БМТ тузилмалари билан алоқаларини ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ташкилотнинг 2010 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган саммити чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов баён этганидек, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши "ШҲТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаолроқ фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШҲТлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси ШҲТга яна бир бор раислик қилмоқда. Ушбу масъулиятли миссия ташкилот ташкил этилганининг 15 йиллиги билан тўғри келди.

Ушбу давр оралиғида хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликдаги курашни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда баҳолаш, ШҲТ мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай учрашувлар доирасидаги музокаралар анъанавий ва янги хавф-хатарларга ўз вақтида муносабат билдиришда умумий ҳамда ўзаро мақбул ёндашувларни ишлаб чиқишга кўмаклашаётгани баробарида, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасида ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошираяпти.

2016 йил 13-14 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг раислигида ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш чоғида ШҲТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши ҳамда бошқа замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, 2010 йили (Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иккинчи раислиги даврида) ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилотнинг ташқи алоқаларини кенгайтириш, кенг минтақадаги тинчликни, осойишталик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича вазифалар самарали ҳал этилишига йўналтирилган ҳужжатларнинг салмоқли туркуми имзоланди.

Масалан, мамлакатимизнинг иккинчи раислиги даврида олиб борилган фаол дипломатик ишлар туфайли 2010 йилнинг апрелида — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ҳамда ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжат икки бирлашма ўртасидаги расмий ҳамкорликнинг ибтидоси бўлди.

Қўшма декларация ҳуқуқий га аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беради".

ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши ўз аҳамияти билан навбатдаги воқеа бўлдики, унинг қабул қилинишида Ўзбекистоннинг фаол иш олиб боргани ташкилотга аъзо барча давлатларнинг консенсусга ҳамда уларнинг ёндашувлари бирлашувига эришилишига кўмаклашди. ШҲТ янада кенгайиши учун ҳуқуқий заминнинг яратилишида муҳим қадам бўлган мазкур ҳужжат ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олишни истаган давлатларнинг мувофиқлиги лозим бўлган асосий мезонларни белгилаб берди. Бу билан дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун тобора жозибали аҳамият касб этаётган ушбу ташкилотнинг очиқ эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ва унинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда 2010 йили қабул қилинган ШҲТ процедураларининг қоидалари мазкур ташкилотнинг янада тараққий этишига ҳамда унинг фаолиятидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилди. Ушбу ҳужжат қабул қилингунига қадар ташкилот доирасида меъёрий-ҳуқуқий актлар юзасидан ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш бўйича ягона қоида мавжуд эмас эди. Унга ШҲТ фаолиятининг асосий тамойили — ташкилот доирасида фақат консенсус асосидагина қарор қабул қилинишининг муҳрлаб қўйилгани мазкур ҳужжатнинг муҳим муваффақиятларидан бири бўлди.

Шуни қайд этиш ўринлики, юртимизнинг ташкилотга иккинчи раислиги даврида илм-фан ҳамда техника бўйича ШҲТга аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувининг механизми ишга солинди. Бундан ташқари, ШҲТга аъзо давлатбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, аъзо давлатларнинг изчил тараққиётини таъминлаш, ташкилотнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш сингари вазифалар диққат-эътиборда бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишларида аниқ-равшан натижаларга эришилди. Масалан, 2015 йил сентябрида Камбоджа Қироллигига ШҲТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Жорий йилда ана шундай ҳужжатлар Озарбайжон, Арманистон ва Непал билан ҳам имзоланди. Жанубий Осиёдаги икки йирик давлат — Ҳиндистон Республикаси ҳамда Покистон Ислом Республикасини ШҲТга қабул қилиш бўйича музокаралар жараёни давом этаётир.

Май ойининг охирида ШҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтади. Июнь ойида эса маданият вазирлари мажлиси, шунингдек, Банклараро бирлашма кенгаши ҳамда Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлисларини ўтказиш режалаштирилган. ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси асосий тадбир бўлади, албатта. Саммит якуни бўйича ташкилотнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилаяпти.

Ўтган йиллар тажрибасини ҳисобга олиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ҳозирги, учинчи раислигининг якунлари ҳам белгиланган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ушбу тузилманинг салоҳиятини янада кучайтиришга, мазкур бирлашма фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ҳамда унинг жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# МУСАФФО ОСМОН, ФАРОВОН ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

Ғиждувон туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи уч мингга яқин аҳолининг салкам 400 нафари нуронийлардир. Ҳасан Ҳақбердиев улар орасида энг табаррук ёшлиси. Яқинда тўқсон икки баҳорни қаршилади. У билан суҳбатлашсангиз, бугунги дориламон кунлар қадрини янада теранроқ англаб етасиз.

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

— Кўплаб ҳамқишлоқларим қатори урушга йўл олганимда, эндигина 18 ёшда эдим, — дея эслайди отахон. — Ғиждувондан Бухоро шаҳригача, ундан кейин эса Қизилтепа темир йўл станциясигача бўлган юз чақиримдан зиёд йўлни оч-наҳор, пою пиёда босиб ўтганимиз кечагидек ёдимда. Уруш майдонида бошдан кечирганларимиз олдида бу қийинчиликлар "ҳолва" экан. Қирғинбарон жангу жадаллар гулдай йигитлар умрига зомин бўлаётганини кўриш оғир эди. Вайронага айланган шаҳару қишлоқлар ҳалигача шундоқ кўз ўнгимда.

Ўшанда минглаб юртдошларимиз қабри олисларда қолиб кетди. Ҳасан Ҳақбердиев эса уруш тугашига саноқли кунлар қолганида оғир ярадор бўлди. Ўқ теккан оёғи жарроҳлик йўли билан кесиб ташланди...

— Минг бора шукрки, истиқлолни кўриш насиб этди, — дейди у. — Аслида яқинларим ҳам жуда эрта вафот этишган. Урушдан қишлоққа қайтсам, уйимиз



қаровсизликдан нураб қолган экан. Пахсадан қурилган омонат иморатда яшаб кун кечирганмиз. Ногирон ҳолимда далада ишладим. Турмуш ўртоғим Тўйбиби билан фарзандларни вояга етказдик. Баъзан ўша оғир йиллардаги турмушимиз билан ҳозиргисини қиёслаб, такрор ва такрор шукроналар айтаман.

Отахон бу ҳақда бежиз тўхталгани йўқ. Оиланинг беш фарзанди ўзига тинч. Ҳаётдан ўринларини топиб кетишган. Тадбиркорлик билан шуғулланишади. Бугун Ҳасан ота яшаётган ҳовлига кирсангиз, ҳавасингиз келади. Замонавий уйда зарур қулайликлар муҳайё. Муҳими, хонадоннинг чироғи ўчмади. Унинг қирқдан зиёд невараю эваралари бор.

— Давлатимизнинг ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб яшаяпман, — дея давом этади у киши. — Яқинда невараларим Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонини газетадан ўқиб беришди. Бундан бениҳоя хурсанд бўлдим. Биз, кексалар доимо эл-юрт эъзозидамиз. Ниятим шуки, ёшларимиз бу тинч ва осойишта кунларнинг, она-юртнинг қадрига етишсин.

— Бухорода айни пайтда 120 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига мувофиқ, уларга пул мукофотлари берилади. Табаррук ёшдаги кексаларимизга корхона ҳамда ташкилотлар, жамоатчилик томонидан доимий равишда зарур ёрдамлар кўрсатилаяпти. Бу эътибор ва меҳр-оқибатдан миннатдор фахрийлар навқирон авлод вакилларини она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишда кўмакдош бўлаяптилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муаллиф олган сурат.

# Барқарор тараққиётнинг яна бир тасдиғи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йил бошидан буён, шунингдек, маҳаллийлаштирилган 37 турдаги янги маҳсулот, яъни нефть-газ-кимё ускуналари ва конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, арматура, автомобиллар спидометри, спорт тренажёрлари, болалар велосипед ҳамда самокатлари, электр сув иситиш мосламалари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, ўтган ойларда юртимизнинг қурилиш тармоғида ҳам ишлар фаол давом эттирилди. Чунончи, 20 километрдан зиёд темир йўл участкалари қайта тикланди, "Ангрен — Поп" электрлаштирилган янги темир йўл линиясини барпо қилиш ҳамда "Поп — Қўқон — Андижон" участкасини электрлаштириш, "Самарқанд — Бухоро" темир йўл линиясини электрлаштириш ва юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи ташиш поездлари қатновини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида Бухоро вокзалини қуриш, қолаверса, "Навоий — Конимех — Мискин" темир йўл линияси ҳамда Қандим газни қайта ишлаш заводига олиб борадиган темир йўл қуриш учун ер полотноси ётқизиш юмушлари бажарилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ эса, жорий йилнинг биринчи чорагида 13 мингта янги тураржойни бунёд этиш ва бўлажак массивларни замонавий инфратузилма ҳамда бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида уч ой ичида 2,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 1,4 миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, 205,2 километрлик сув қувурлари барпо қилингани, айниқса, диққатга сазовордир.

Энди яна ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)-га тўхталсак. Луғатларда изоҳ берилишича, бу тушунча — мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич. Бошқача айтганда, ЯИМ муайян давлат ҳудудида жойлашган барча корхона (чет эл сармоядорлари иштирокидаги, қўшма ва кичик корхоналар) томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматларнинг бозор қийматидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий тизим асосида ҳисоблаб чиқилади. Шунга кўра, 2016 йилнинг январь — март ойларида республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,5 фоиз ошган экан, бу иқтисодий юксалишнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётганининг яна бир исботидир.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**шарҳловчи.**

# Қисқа сатрларда

● Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда "Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша барҳаёт" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

**● Андижонда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Сиз ҳамиша ардоқдасиз!" деб номланган акция ўтказилди.**

● Навоий шаҳрида ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям!" республика танловининг вилоят босқичи якунида 10 нафар йигит-қизнинг бизнес-режалари маъқулланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

**● Тошкент молия институтида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни ёт ғоялардан асраш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида "Ватанга дахлдорлик туйғуси — тараққиёт омили" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**● Фарғонада болалар ва ёшлар учун "Шум бола — 2016" III ўзбек ва немис кинолари фестивали кўтаринки руҳда уюштирилди.**

● Миллий матбуот марказида иқтисодиёт тармоқлари учун керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш самараларига бағишланган анжуман ташкил этилди.

**● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида "Умумтаълим мактабларида жамоатчилик назорати" мавзуида видеоконференция ўтказилди.**

● Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб" спорт мажмуида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан нафақадаги онахонлар ўртасида спорт-соғломлаштириш мусобақаси уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



# КИЧИК БИЗНЕС САЛОҲИЯТИ

## иқтисодиётимиз ривожида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхона маҳсулотлари арзон ҳамда сифатлилиги боис истеъмолчиларга манзур бўлаётир. Бу, албатта, хорижнинг энергия тежовчи замонавий ускуналаридан фойдаланилаётгани шарофатидир. Масалан, цехларга 2015 йилда 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк кредити ва корхона маблағи эвазига Италия ҳамда Хитойдан ойнага турлича ишлов берувчи ускуналар олиб келиб ўрнатилгач, 60 минг квадрат метр ҳажмдаги 24 турдан ортиқ маҳсулотлар ички бозорда сотилди.

Жамоа аҳли жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар оширишни режалаштирган. Бунинг учун имконият ва шарт-шароит етарли. Айтайлик, юк автомобиллари парки мавжудлиги маҳсулотларни мижозларга ўз вақтида етказиб беришда қўл келмоқда.

— Ойналаримизнинг бозори чаққон, — дейди корхона раҳбари Умарбек Бобожонов. — Чунки уларни энг илғор технологиялар асосида тайёрлаяпмиз. Мижозларимиз нафақат Хоразм, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам бор. Аниқроғи, республикамиз бўйича 200 дан зиёд корхоналар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

Қисқаси, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фаолиятимизни кенгайтирган ҳолда, ишчи-ходимларимиз даромадини ошириш, ички бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдек хайрли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ташқи бозорга йўналтирилмоқда

Зарафшон шаҳрида "Қизилқум текстиль" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Қиймати 1 миллиард сўмга тенг ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 70 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Айни пайтда бу ерда кунига 15 минг донагача полипропилен қоплар тайёрланмоқда. Эътиборли жиҳати, маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилаяпти.

## ИНТИЛИШ

— Мазкур корхона фойдаланишга топширилгач, мен ҳам кўплаб тенгдошларим қатори ишга қабул қилиндим, — дейди ёш мутахассис Отабек Тошев. — Бу ерга ўрнатилган технологиялар компьютерлаштирилгани сабабли қўл меҳнатига ҳожат қолмади. Иш жараёнида эса коллежда олган билимларим асқатмоқда.

Айни пайтда Зарафшон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 800 тадан ортди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Беғубор тасаввур ва маҳорат

Болалик — беғуборлик. Шу боис кичкинтойлар ҳамма нарсадан гўзаллик қидиради, инжа таассуротларини муҳрлагиси келади. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” болалар фестивалининг республика босқичига ўқувчи-ёшлар томонидан тақдим этилган суратлар, ҳунармандлик буюмлари, миллий каштачилик ишларини кўриб, буни яна бир карра ҳис қилдик.

**ФЕСТИВАЛЬ**

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бадиий ва эстетик дидини шакллантириш, истеъдодини аниқлаш ҳамда рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. “Баркамол авлод” болалар фестивали ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий ифодасидир.

— Амударё туманидаги 31-мактабнинг 5-синфида ўқийман, — дейди тадбир иштирокчиси Мафтуна Гулманова. — Уч йилдан буён “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказидаги тўгаракка қатнайман. Устозим Раъно Холмуродова кўмагида қўғирчоқ ясашни ўргандим. Айни пайтда туманимиз мактаблари ва боғчаларида бир неча бор кўргазмалар ташкил этдик. Тарбияланувчиларга қўғирчоқ ва ўйинчоқларимизни совға қилдик.



Миразиз Абдураҳимов ҳам 5-синф ўқувчиси, Олмазор тумани “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказининг фаол аъзоларидан. У танловнинг республика босқичида қатнашаётган 126 нафар истеъдодли ёшлардан бири. Миразиз ясаган лавҳ, қутича сингари совғабоп буюмлар тадбир иштирокчиларининг эътиборини жалб этди.

Фестиваль якунида тасвирий санъат, либослар дизайни, мунчоқли безак, миллий ўйинчоқлар сингари тўққиз йўналишда изланишлар олиб бораётган ижодкор болалар орасидан ғолиблар аниқланди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Ватан равнақи – улуғвор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш лозимки, фестивалнинг жорий йилги тадбирларида “Бу менинг Ватаним!” шиори остида Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китоби мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тақдимот, республикамиз ёш ижодкорлари томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар намойишига йўналтирилган “Кичик фильмдан — катта кинога”, олий таълим муассасалари театр студияларининг “Талабалар театр студиялари”, “Ёшлар жонли ижро тарафдори” каби янги лойиҳалар ҳам ташкил этилади.

Ёшлик ҳамда шижоат байрамининг биринчи кунида вилоят марказидаги “Камолот боғи”да кўнгилларга ором берувчи мусиқий фаввораниниг очилиш маросими бўлиб ўтди. Камалак рангида товланаётган обиҳаёт зарраларини 25 метр баландликка кўтариб бераётган иншоот атрофида йигит-қизлар завқ-шавққа тўлиб, ҳордиқ чиқардилар. Эндиликда бу жой ёшларнинг бўш вақти янада мазмунли ўтадиган сўлим масканга айланади.

Шунингдек, Тўрақўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида ҳам бир қатор учрашувлар ташкиллаштирилди.

— Пойтахтдан келган ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда иқтидорли йигит-қизлардан иборат тарғибот гуруҳи иштирокидаги “Камолот кутубхонаси” лойиҳаси доирасидаги викторина менда катта таассурот қолдирди, — дейди Тўрақўрғон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Қундузой Маткаримова. — Унга ташриф буюрган актёрларнинг кўпчилигини кинофильмлардаги роллари орқали яқиндан танийимиз. Савол-жавоблар орқали уларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти билан танишдик. Викторина чоғида меҳмонларнинг қандай китобларни мутолаа қилаётганимиз, севимли ёзувчилар ва адабий қаҳрамонларимиз ҳақида берган саволларига биз ҳам батафсил жавоб қайтардик. Тадбир якунида фаол қатнашчиларга китоблар совға қилинди. Бундан беҳад хурсандмиз.

Уч кун мобайнида бўлиб ўтадиган фестиваль тадбирларига давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар ҳам кенг жалб этилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий технологиялар

## молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтирмоқда

Пойтахтимизда “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан омонатчилар ва пластик карточка эгалари учун замонавий банк технологиялари асосида яратилаётган қулайликларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**АНЖУМАН**

Таъкидланганидек, бугунги кунда мазкур молия муассасасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, омонатчиларга қўшимча қулайликлар яратиш ва имтиёзлар бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида банкнинг жами омонатчилари сони 75 минг нафардан ортгани ана шундан далолат беради. Бунда, табиийки, “Ёрқин келажак”, “Соғлом авлод”, “Юқори даромад”, “Омад”, “Имконият”, “Капитал плюс” сингари жозибадор янги омонат турлари ишлаб чиқилиб, жамғарма кассаларида омонатчилар билан банк ўртасида тузиладиган шартномалар, кирим ва чиқим ордерлари автоматлаштирилган тизим орқали чоп этилаётгани, шунингдек, “Sms-omonat” хизмати йўлга қўйилгани айни муддао бўлаётир.

Анжуманда фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, омонат билан боғлиқ амалиётнинг мижозлар иштирокисиз бажарилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида янги тизим ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида маълумот берилди.

— “Биометрик идентификациялаш” деб номланувчи ушбу тизим бир қатор афзалликларга эга, — дейди банкнинг Пластик карточкалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жавоҳир Алимов. — Яъни омонат ҳисобварақларидаги маблағларга доир барча операцияни унинг эгаси иштирокисиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу маблағлар дахлсизлигини таъминлаш баробарида, банкимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди, албатта. Ҳозиргача мазкур дастур Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари минтақавий филиалларига ўрнатилган бўлса, йил охиригача ҳамма ҳудудда ишга туширилади.

Бундан ташқари, яқинда банк ўз мижозларига қўшимча “P2P” хизматини тақдим қилди. Натижада бир жисмоний шахснинг пластик карточкасидан иккинчи бир шахснинг пластик карточкасига махсус сайтлар, мобиль иловалар орқали маблағ ўтказиш имконияти вужудга келди.

Тадбирда, шунингдек, банкнинг “UzKART-EMV” тўлов тизимини янада такомиллаштириш, терминаллар, банкомат ва инфокиосклар тармоғини кенгайтириш, он-лайн режимида ишловчи “Smart-visa” пластик карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам батафсил тушунтирилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Шу йилнинг биринчи чорагида АҚШда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,5 фоиз ўсди, дейилади мамлакат савдо вазирлиги иқтисодий таҳлил бюроси маълумотида.*

## Кўрсаткичлар кутилганидек эмас

Бу аввалроқ экспертлар қилган прогноздан сезиларли даражада кам. Қолаверса, сўнгги икки йил ичидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Бундай ҳолат иқтисодиётнинг деярли барча тармоғида кузатилди. Айниқса, “қора олтин” нархининг тушиб кетиши оқибатида нефть қазиб чиқариш компаниялари жиддий зарар кўрган.



Ўз навбатида, АҚШда истеъмол харажатлари, бор-йўғи, 1,9 фоиз ошди. Бу эса охирги бир йил мобайнидаги энг ёмон натижа сифатида баҳоланаяпти.

## Буюртмани кечиктириш оқибати

*Франциянинг “Airbus Group NV” аэрокосмик корпорацияси мижозларига янги моделлардаги самолётларни ўз вақтида тайёрлаб бера олмагани туфайли катта миқдорда маблағ йўқотди.*



Масалан, 2016 йилнинг дастлабки чорагида унинг даромади 50 фоиз қисқариб, 399 миллион еврони ташкил этди. Ваҳолонки, ўтган йилнинг мазкур даврида 792 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб топишга эришган эди.

Шу боис корпорация акциялари нархи 4,4 фоиз пасайган.

## Ишсизлар сони камайди

*Евроҳудудга аъзо 19 та давлатда март ойида ишсизлик кўрсаткичи 2011 йил августидан бери энг минимал даража — 10,2 фоизгача тушди. Бу ҳақда Европа Иттифоқининг статистика бошқармаси хабар тарқатди.*



Меҳнат билан банд бўлмаганлар сони февраль ойидагига нисбатан 226 минг кишига камайган. Бу борада энг яхши натижалар Чехия (4,1 фоиз), Германия (4,2 фоиз), Мальта (4,7 фоиз), Австрия ва Дания (5,8 фоиз)да қайд этилган. Аксинча, Греция, Испания, Хорватияда ишсизлик даражаси ҳамон юқори.

## Тайконавтлар Ойга учади

*Хитой 2036 йилгача Ойга илк тайконавт (космик аппаратларни синовчи мутахассис)ларини учиришни режалаштираяпти.*

“China Daily” нашри хабарига кўра, мазкур парвозга тайёргарлик кўриш учун 15 — 20 йил кетади. Ўз навбатида, ракета ташувчи, ҳаво кемаси ва махсус скафандрлар тайёрланиши ҳам керак.

Ушбу мамлакатнинг Ер йўлдошини автоматик станция ёрдамида тадқиқ қилиш дастури уч босқичдан иборат. Яъни Ой атрофини айланиб учиш, сўнгра унга қўниб, тупроқ намунасини олиб қайтиш шулар сирасига киради.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 4 майдаги 86 (6521)-сонида чоп этилган, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 12 февралдаги 10-1511/27386-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 414,0 кв.м., фойдаланиш майдони 344,13 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўконининг бошланғич баҳоси 438 000 000 сўм, деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

703R/310

**GRUZSHINA.UZ**

**КЎП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР**



Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Юнусобод филиалининг 2016 йил 4 майдаги 697-сонли буюртманомасига асосан, Акциядорлик тижорат Халқ банки тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-6, 90-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв.м.дан иборат бўлган (9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми) бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 008 784 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 7 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 7 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 14, 21, 28 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган санадан бир иш куни олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38.**

Хизматлар лицензияланган.

705R/330

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрдаги 1-7090/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қатортол» ҚФЙ, «Тошравот Умид» БУШда жойлашган, ер майдони 644,0 кв.м., тураржой майдони 103,26 кв.м. бўлган 4-сонли дала-ҳовли қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 272 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 9 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 7 июнь куни соат 16.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

706R/261

ҚАДРИЯТ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида асрий анъаналар, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Навоий вилоятининг Нурота туманида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган “Нурли наволар” республика фестивали бунинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

# Маънавий меросимиз эъзози

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фольклор-этнографик жамоалар ва бахшилар иштирокида кечган тадбир нафақат ҳамюртларимиз, ҳатто хорижлик меҳмонларга ҳам унутилмас таассуротларни туҳфа этди.

Дастлаб тумандаги “Чашма” тарихий мажмуасига карнай-сурнай, дутор ва чанқовуз наволари остида бадиий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шундан сўнг улар шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз саҳнада фестиваль учун тайёрланган мусиқий дастурларини намойиш қилдилар.

Мазкур анжуман фольклор ва бахшичилик санъатини кенг тарғиб этиш баробарида, навқирон авлод вакилларида миллий ғурур, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тадбир мобайнида 5 мингдан ортиқ юртдошларимиз ҳамда Германия, Жанубий Корея, Хитой, Франция каби 30 га яқин мамлакатдан ташриф буюрган сайёҳлар халқимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлишди.

Бинобарин, анжуман доирасида тасвирий ва амалий санъат соҳасида ижод қилаётган ёш рассомлар, ҳунармандлар кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Тадбирнинг иккинчи кунида Хатирчи туманида уюштирилган “Бахшилар юртни куйлайди” II анъанавий фестивали ҳам миллий маданий меросимизга бўлган юксак эътибор ва эҳтиром намунасига айланди. Бу ерда санъат ва ижод ихлосмандлари, юрт ардоғидаги бахшилар, фольклор-этнографик жамоалар тўпланишди. Хусусан, тумандаги Пўлкан шоир хотирасига бағишлаб барпо қилинган майдонда ўтказилган халқ сайиллари, қўчқор ва хўроз уриштиришлар, кураш мусобақалари кўпчиликка олам-олам завқ улашди.

Айтиш жоизки, ўзбек достончилик мактаби асосчиларидан бири Муҳаммадкул Жомурод ўғли Пўлкан бахши 70 дан ортиқ достонни ёд билган. Ватанпарварлик, инсонийлик, эзгулик ва меҳр-оқибатни тараннум этган шоир ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Бахши ҳайкали қад ростлаган майдон ободонлаштирилиб, манзарали дарахтлар ўтқазилди. Турли рангда жилоланаётган фавворалар бу ерга келувчилар қалбига қувонч бағишлаяпти.

— Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди хоразмлик Қаландар бахши Норматов. — Ушбу фестивалнинг уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтгани халқимизнинг ўз маданий меросига бўлган юксак ҳурмати ифодасидир.

Якунда “Энг яхши достон ижрочиси”, “Энг яхши ўлан-лапар ижрочиси”, “Энг яхши ҳажвий шеър”, “Энг гўзал сурат”, “Энг яхши ўйин кўрсатган жамоа”, “Энг яхши ўйин кўрсатган аёллар жамоаси”, “Халқ ўйинларини тиклашдаги хизматлари учун” каби номинациялар ғолиблари аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Фестивалда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўркам таълим муассасаси

Денов туманининг Ўшор маҳалласида Ҳазорбоғ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи филиали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БУНЁДКОРЛИК

Туман марказидан олисда, тоғлар бағрида қад ростлаган мазкур таълим муассасаси ҳудуд ёшлари учун катта қулайлик яратди. 180 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган коллеждаги махсус касб ва фан хоналари, лабораториялар ҳамда спорт зали зарур жиҳозлар билан таъминланган. Шу билан бирга, масканга замонавий компьютер жамламалари ҳам туҳфа этилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ОҒУШИДА»

## Мамлакатимизнинг барча ҳудудида шу шиор остида болалар саломатлиги ҳафталиги бошланди.

Республикамизда оналик ва болаликни асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган доимий эътибор баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ҒАМХЎРЛИК

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Фахрланарли жиҳати, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётир. Унинг изчил ижроси туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Аҳоли саломатлигини асрашда мунтазам ўтказилаётган тиббий кўриклар, акциялар, турли тадбирлар муҳим ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бошланган “Ҳар бир фарзанд меҳр оғушида” шиори остидаги болалар саломатлиги ҳафталиги ҳам эртамиз эгаларининг порлоқ истиқболи йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлардан биридир.

— Ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад ўғил-қизларни бирламчи тиббий-профилактика кўригидан ўтказиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида бартараф этиш ва энг муҳими, уларни зарур витаминлар билан таъминлашдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи М. Содиқов. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда болаларни юқумли касалликларга қарши давлат томонидан бепул эмлашнинг миллий тақвими яратилган бўлиб, у замон талаблари асосида янги эмлаш воситалари билан бойитилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, А витамини етишмаслиги натижасида эпителий тўқимаси зарарланади, кўз хиралашади. Тери, нафас йўллари, қовуқ ва ичакда салбий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Юртимизда ҳар йили 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларга умумий амалиёт шифокори, патронаж ҳамшираси ҳамда мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари назорати остида А витамини ичириляпти. Бунинг натижасида микронутриент танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар кескин камаймоқда. Мазкур акция доирасида тўрт миллион нафарга яқин болага А витаминини бериш кўзда тутилган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бу йилги Ҳафталикнинг яна бир янгилиги ушбу витаминлар қаторида гижжаларга қарши “Верморекс” препарати ҳам берилаётганидир. У овқатнинг тўла ўзлаштирилиши ва организмнинг тўкис ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши билан муҳим аҳамиятга эга.

...Биз пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада бўлиб ўтаётган Ҳафталик тадбирларида қатнашдик. Мазкур муассаса бош шифокори Дилфуза Иброҳимованинг билдиришича, ижтимоий акцияни юқори савияда ташкил қилиш учун ҳудуддаги тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, тиббиёт масканлари мутахассислари билан ҳамкорликда кенг кўламда тайёргарлик олиб борилди. Шифокорлар иштирокида маҳаллаларда, хонадонларда, мактабгача тарбия муассасаларида ота-оналар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. Тадбирларда А витамини ҳамда “Верморекс” препаратининг фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти хусусида батафсил маълумот берилди.

Ҳафталик Бухоро вилоятида ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Когон шаҳар марказий поликлиникасида бўлганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Бугун ўғлим Азизжонни шифокорлар текшириб, касалликларга қарши зарур профилактик муолажа кўрсатишди, — дейди 17-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Нозима Истамова. — Бу унинг соғ-саломат ўсиб-улғайиши учун жуда катта аҳамиятга эга, албатта. Биз, оналар фарзандларимиз соғлиғи учун давлатимиз раҳбарияти томонидан қаратилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз.

Қайд этиш ўринлики, мазкур акцияга вилоят бўйича тегишли ёш доирасидаги қарийб 300 минг нафар ўғил-қиз қамраб олинади.

“Ҳар бир фарзанд меҳр оғушида” шиори остидаги болалар саломатлиги ҳафталиги Хоразм вилоятида ҳам юқори савияда ташкил қилинмоқда. Унинг доирасида кўзда тутилган тадбирлар режали асосда ўтказилиб, вилоят бўйича 300 минг нафардан зиёд болалар жалб этилаяпти.

— А витамини хавфсиз ва самарали бўлиб, боланинг иммунитетини яхшилайди, турли касалликларнинг олдини олади, — дейди Урганч шаҳридаги 3-оилавий поликлиника бош шифокори Олимбой Давлетов. — Биргина бизнинг тиббий муассасамизда бир ҳафта давомида 12 минг нафардан ортиқ болага соғлиғини мустаҳкамлайдиган дори воситалари берилади. Саломатлик ҳафталигида маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам намунали қатнашаяптилар. Улар бунинг аҳамиятини яхши тушунадилар. Зеро, бундай тадбирлар фарзандларимиз камолотига хизмат қилади.

10 май куни якунига етадиган Ҳафталик тадбирларига республикамизнинг барча ҳудудидаги болалар даволаш-профилактика муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар қамраб олинади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

*Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мадҳияси мусиқаси муаллифи, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий анжуман ҳамда хотира кечаси бўлиб ўтди.*

# АТОҚЛИ БАСТАКОРГА ЭҲТИРОМ

ХОТИРА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, бастакорлар, талабалар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Унда мамлакатимизда мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган кишиларнинг ижодий меросини ўрганиш, уларнинг хотирасини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу кунларда юртимизда Мутал Бурҳоновнинг 100 йиллиги кенг нишонланаётгани, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

М. Бурҳонов 1916 йилда Бухоро шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келган. Олий таълим даргоҳларида мусиқа ҳамда композиторликдан таҳсил олган ёш ижодкор театрларда созанда, мусиқа раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Бастакорнинг ҳаёти ва ижодий салоҳияти миллий маданиятимизнинг тараққиёт йўли билан чамбарчас боғлиқ. Унинг қўшиқлари, романслари, симфоник, вокал-симфоник, акапелла учун яратган асарлари, спектакль ҳамда фильмларга ёзган мусиқалари ғоят қадрланади. Чунончи, “Алишер Навоийга қасида”, “Алишер Навоий” операси, “Абадий хотира” реквием-марсияси ва кўплаб бадиий фильмларга басталаган куйлари бебаҳо маънавий хазинамизга айланиб улгурган.

Халқимиз композитор хотирасини Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг мусиқаси муаллифи сифатида ҳам ғоят қадрлайди. Ҳар бир юртдошимизнинг қалбида чексиз ифтихор уйғотувчи ушбу бетакрор асар улуғворлиги билан ажралиб туради. Шу боис у нуфузли анжуманлар, спорт мусобақалари, халқаро фестивалларда янграганида, қалбимиз ғурурга тўлади. Мадҳиямиз садолари ҳар бир юртдошимизни эзгулик, улуғ мақсадлар, бунёдкорликлар сари чорлагандек бўлади. Мутал Бурҳонов Президентимиз Фармонига кўра, “Буюк хизматлари учун” ҳамда “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган.

Анжуман доирасида “Мутал Бурҳонов ва XXI аср Марказий Осиё композиторлик ижодиёти”, “Комил инсон, улуғ композитор”, “Миллийликни касб этган ижодкор”, “Романслар талқини” сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир Мутал Бурҳонов басталаган куй-қўшиқлардан иборат мусиқий дастур билан якунланди.

**М. ТОЖИЕВА.**

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Стевияга “асал ўт” дея таъриф беришлари бежиз эмас, албатта. Чунки ўсимлик баргидан олинадиган стевиозид толқони шакардан 300 марта ширинроқдир. Шу боис у шакар ўрнини бемалол боса олади. Айни пайтда дунёнинг кўпгина давлатлари қандолатчилари стевиядан фойдаланишни афзал кўришининг сабаби шунда.

# 300 марта ширинроқ

Ушбу ўсимлик Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига ҳам мос келди. Заминимизда етиштирилган стевиянинг тотлилиги бошқа мамлакатлардагига нисбатан 2-2,5 ҳисса зиёддир.

Стевия қанчалик ширин бўлмасин, инсон саломатлиги учун кони фойда. Айниқса, қандли диабетга чалинганлар уни таомга қўшиб, мунтазам равишда тановул қилсалар, қондаги глюкоза миқдорини пасайтириб, қон томирлари девори эластиклигини яхшилайди.

Шу билан бирга, қон босимини маромига келтиради. Мия қобиғини мустаҳкамлаб, паришонхотирликнинг олдини олади. Организмда моддалар алмашинувини тиклаб, эндокрин безлари фаолиятини мўътадиллаштиради. Ҳатто нобуд бўлган ҳужайра ва тўқималарни қайта тиклашга ёрдам беришига нима дейсиз?!

Яна бир эътиборга молик жиҳати, у танадаги ортиқча ёғларни парчалаб, семиришнинг олдини олади.

Халқ табобатида ўпка, зиққинафаслик, тиш ва милк касалликларини даволашда стевиядан фойдаланилади. Шунингдек, у ақлий ҳамда жисмоний толиқишни бартараф этиш, ошқозон ва меъда-ичак йўли касалликлари, саратонни даволашда ҳам яхши самара беради. Стевия чойи билан бош ювилса, соч ўсишини тезлаштириб, сержило қилади.

Стевия қайнатмасини тайёрлаш учун 2 ош қошиқ ўсимлик баргидан олиниб, икки қаватли докага ўралади-да, 200 мл. қайноқ сувда паст оловда ярим соат давомида қайнатилади. Кейин у сузиб олинади. Стевия баргларини ташлаб юборишга шошилманг. Унинг устига 100 мл. қайноқ сув қуйиб, ярим соат дамлаб қўйсангиз, уни ширин чой ўрнида ичаверасиз.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

РЕКЛАМА




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6